XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

2022 - yil 2 - fevral VI-41-17-11-0-K/22 Farg‘ona viloyati hokimligi

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-39-65-11-0-К/21-сон “Фарғона вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни кўриб чиқиш (белгилаш) ҳақида”ги қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-39-65-11-0-К/21-сон “Фарғона вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни кўриб чиқиш (белгилаш) ҳақида”ги қарори 1 ва 2-иловалари мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ янги таҳрирда баён этилсин.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Уринбоев) вилоятдаги тегишли ваколатли органлар билан биргаликда мазкур қарор билан

белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан ўрнатилган тартибда мониторинглар ўтказиб борсин.

3. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан мазкур қарор билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффициентларни қўллаб борилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатсин.

4. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси раиси Р.Камолов ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоевлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Х.Бозаров**

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2022 йил 2 февралдаги
VI-41-17-11-0-K/22-сон қарорига
1-илова

“Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-39-65-11-0-K/21-сон қарорига 1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

минг
сўмда

№	Ҳудудлар номи	Коэффициент	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун)
1.	Фарғона шаҳар	1.30	37,700
2.	Қўқон шаҳар	1.30	37,700
3.	Қувасой шаҳар	0.89	25,810
4.	Маргилон шаҳар	0.90	26,100
5.	Олтиариқ тумани	0.77	22,330
6.	Боғдод тумани	0.75	21,750
7.	Бувайда тумани	0.71	20,590
8.	Бешариқ тумани	0.77	22,330
9.	Қува тумани	0.89	25,810
10.	Учкўприк тумани	0.75	21,750
11.	Риштон тумани	0.71	20,590
12.	Сўх тумани	0.71	20,590
13.	Тошлоқ тумани	0.77	22,330
14.	Ўзбекистон тумани	0.75	21,750
15.	Фарғона тумани	0.75	21,750
16.	Данғара тумани	0.75	21,750
17.	Фурқат тумани	0.71	20,590
18.	Ёзёвон тумани	0.71	20,590
19.	Қўштепа тумани	0.73	21,170

Изох: *халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга" Солиқ кодексининг 480[1] ва 480[2]-моддаларига асосан Фарғона вилоятининг Сўх тумани, Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи, шунингдек Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа — 2 кўчаси Солиқ солишнинг алоҳида тартибига эга бўлган ҳудудлар ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудларида жойлашган кўчмас мулк объектларига ва ер участкаларига, шунингдек ушбу ҳудудларда фойдаланиладиган сув ресурсларига нисбатан Солиқ Кодекснинг 415, 422, 429, 437 ва 445-моддаларида белгиланган мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига 0,1 коэффициент қўлланилади.*

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг
2022 йил 2 февралдаги
VI-41-17-11-0-K/22-сон қарорига
2-илова

“Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-39-65-11-0-K/21-сон қарорига
2-ИЛОВА

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

(сўмда)

№	Ҳудудлар номи	Коеффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 кв.м учун)
1.	Фарғона шаҳар	1.20	312
2.	Қўқон шаҳар	1.20	312
3.	Қувасой шаҳар	0.85	221
4.	Маргилон шаҳар	1.20	312
5.	Олтиариқ тумани	0.85	221
6.	Боғдод тумани	0.75	195
7.	Бувайда тумани	0.73	190
8.	Бешариқ тумани	0.85	221
9.	Қува тумани	0.87	226
10.	Учкўприк тумани	0.75	195
11.	Риштон тумани	0.73	190
12.	Сўх тумани	0.65	169
13.	Тошлоқ тумани	0.85	221
14.	Ўзбекистон тумани	0.76	198
15.	Фарғона тумани	0.76	198
16.	Данғара тумани	0.76	198
17.	Фурқат тумани	0.67	174
18.	Ёзёвон тумани	0.67	174
19.	Қўштепа тумани	0.75	195

Изоҳ: *халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан*

жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга".

Солиқ кодексининг 480^1 ва 480^2-моддаларига асосан Фарғона вилоятининг Сўх тумани, Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи, шунингдек Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа — 2 кўчаси Солиқ солишнинг алоҳида тартибига эга бўлган ҳудудлар ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудларида жойлашган кўчмас мулк объектларига ва ер участкаларига, шунингдек ушбу ҳудудларда фойдаланиладиган сув ресурсларига нисбатан Солиқ Кодекснинг 415, 422, 429, 437 ва 445-моддаларида белгиланган мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига 0,1 коэффициент қўлланилади.